

## Лондонда Қуръони карим мусобақасининг якуний босқичи бўлиб ўтади



15:00 / 07.12.2018 1893

Жорий йилнинг 9 декабрида Лондонда Қуръони карим мусобақасининг якуний босқичи бўлиб ўтади. Бу ҳақда IQNA хабар беради.

Тадбир Лондондаги Исломий маданият жамияти томонидан пешин намозидан сўнг ўтказилади. Хабарда айтилишича, мусобақага тайёргарлик авжида. Ушбу йиллик анъанавий қорилар мусобақасининг якуний босқичида 25 та иштирокчи учта алоҳида йўналиш (5 та жуз, 15 та жуз ва 30 та жуз) бўйича биринчи, иккинчи ва учинчи ўринлар учун баҳс олиб борадилар.

Мусобақанинг дастлабки босқичи ўтиб бўлган. Унда жами 200 киши ўзаро куч синашиб, финал босқичгача 25 нафари етиб келган.

Танлов иштирокчилари Қуръони каримнинг баъзи қисмларини ёддан ўқиб берадилар, танлов шартларига кўра саволларга жавоб берадилар. Шартлар халқаро ҳамда миллий вакиллардан иборат бешта ҳакам томонидан баҳоланади.

Ушбу йиллик танлов 2016 йилда Буюк Британияда ташкил этилган National Huffadh Association томонидан ташкил этилмоқда. Мазкур уюшма мамлакатда истиқомат қиладиган 3 мингдан ортиқ ҳофизни Қуръонни рўйхатга олган. Мусобақага АҚШдан Муфтий Муҳаммад Восимхон,

Танзаниядан қори Абдуллоҳ Доудий, Ҳиндистондан қори Илёс Бадот каби машҳур кишилар таклиф этилган. Тадбирнинг асосий ҳомийси халқаро “Muslim Charity” хайрия ташкилоти ҳисобланади. 1, 2 ва 3-ўрин соҳибларига пул мукофоти берилади. 30 та жузни ёд олиш йўналиш бўйича биринчи ўринни олган ҳофизга Британия Ҳаж консули ҳисобидан Умра зиёратига йўлланма берилади.

***Islom.uz* портали таҳририяти**